

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ  
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА:  
ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари  
тўплами**

**2-КИТОБ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**УЎК 069.01:001.895(082) «XXI»**

**Масъул мухаррирлар:**

**Жаннат ИСМАИЛОВА**, тарих фанлари доктори, профессор

**Алишер ИСМАИЛОВ**, п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА**, тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

**Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Дилафрўз КАРИМОВА**, т.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

**Тохир НОРҚОБИЛОВ**, музей илмий ходим

**Такризчилар:**

**Т.ф.д.Б.В.Хасанов, т.ф.н.Х.Файзиев**

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2022 йил 4 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам музейшунос, тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2022.

- жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан.док.илм.дар.олиш учун ёзилган дисс...- Т., – Б. 209.
2. <https://lex.uz/docs/5041012>
  3. Нематулла Ибрагимов. Ибн Баттута и его путешествия по средней Азии. - Москва: «Наука», 1988. - С. 9
  4. Шарафуддин Али Йаздий «Зафарнома».- Тошкент: «Шарк», 1997. - Б. 46-47.
  5. Қашқадарё вилоят жиной ишлари суди архиви -Фонд-183, жилд 16-20, 82-83 варақ
  6. Д.Рахматова. «Қашқадарё воҳаси тарихидан лавҳалар (истиклол учун курашганлар ва қатағон курбонлари)». - Тошкент :Академнашр, 2021. – Б. 172-177
  7. «Пахта иши» қандай вужудга келган эди? (4-қисм)/<https://uza.uz/uz/posts/pakhta-ishi-anday-vuzhudga-kelgan-edi-4-ism-11-01-2020>.

**Аъзам БОЛТАЕВ,**  
Бухоро давлат университети  
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси т.ф.ф.д.(PhD)

**Феруза РАМАЗОНОВА,**  
Педагогика кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: [azam.boltayev2015@mail.ru](mailto:azam.boltayev2015@mail.ru)  
(Ўзбекистон)

## **БУХОРО ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ 100 ЁШДА (ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ)**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро ўлкашунослик музейининг шаклланиши ва унинг дастлабки босқичлари, ҳукумат томонидан музей ишига қаратилган эътибор, музей ишини ташкил этишдаги муаммолар тадқиқ қилинган. Шунингдек, бир аср давомидаги Бухоро ўлкашунослик музейининг фаолияти таҳлил қилинган. Музейнинг илмий фаолияти, филиалларининг ташкил этилиши, туманларда ташкил қилинган илмий экспедициялар ва ҳамколик ишлари тўғрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** музей, кўргазма, экспонат, этикет, археология, этнография, атамашунослик, ўлкашунослик, Зеркомиссия, Средазкомстарис, Бухкомстарис.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены вопросы становления Бухарского краеведческого музея и его первые этапы, внимание, уделяемое музейному делу со стороны правительства, проблемы организации музейного дела. Также проанализирована деятельность Бухарского краеведческого музея на протяжении столетия. Представлены

сведения о научной деятельности музея, Об организации его филиалов, о научных экспедициях и совместной работе, организованной в районах.

**Ключивые слова:** музей, экспозиция, экспонат, этикет, археология, этнография, терминология, краеведение, Зеркомиссия, Средазкомстарис, Бухкомстарис.

**Abstract:** This article discusses the issues of the formation of the Bukhara Museum of Local Lore and its first stages, the attention paid to the museum business by the government, the problems of the organization of museum business. The activity of the Bukhara Museum of Local Lore for a century has also been analyzed. The information about the scientific activity of the museum, about the organization of its branches, about scientific expeditions and joint work organized in the districts is presented.

**Keywords:** museum, exposition, exhibit, etiquette, archeology, ethnography, terminology, local history, zerkomission, Sredazkomstaris, Bukhkomstaris.

Музейлар миллатнинг маданий уйғониши, миллий ғояни тарғиб этиш, халқ онгида миллий ғурур ва қадриятларни кучайтиришда, мустақиллик ғояларига содиқлик ҳиссиётини, демократия ва тараққиётга ишончни мустақамлашда муҳим рол ўйнайди. Музейлар нафақат табиат ва жамиятнинг ноёб ҳамда хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий, ижтимоий коммуникациянинг муҳим халқаси ва марказлари ҳамдир.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, янги ҳукумат томонидан қўлёзмалар, эски китоблар ва осори-атиқаларни тўплаш, уларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар қўрилди ва бу борада бир қатор буйруқлар чиқарилди. Ҳукуматнинг дастлабки даврларидан бошлаб Бухорода музей ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши бунга ёрқин мисол бўлади.

Маориф нозири бошчилигидаги «Тарихий осори-атиқа шўъбаси» 1920 – 1922 йиллар давомида самарали фаолият кўрсатиб, Бухоро воҳасида ягона бўлган музей ташкил қилишга муваффақ бўлди. Музей 1922 йил 8 ноябрда Рус-Хитой банки биносида (ҳозирги Санъат музейи биноси) очилди [1, 16]. Музей бешта хонадан иборат бўлиб, бинонинг ёнида театр, клуб, кутубхона жойлашган ва булар биргаликда маданият масканини ташкил этган. Биринчи музей кўрғазмаси тизимли бўлмай, унга ҳар хил қадимий ашёлар жамланган эди. Музейда 1924 йил тематик кўрғазма ташкил қилинади ва у қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига бағишланади.

Кўрғазма яратиш борасида ҳали етарли тажриба тўпланмагани, ташкил этилган кўрғазма амирлик тузумининг танқидчисига эмас, аксинча тарғиботчисига айланиб қолгани, шунингдек, музей ўзининг сақлов вазифасини бажармаганлиги боис кўрғазма вақтинча ёпиб қўйилади [2,3,5,7,10].

Средазкомстарис ва Бухкомстарис (ўша даврда бу ташкилотни Мусо Саиджонов ва илмий маслаҳатчи Б.И.Буткевич бошқарар эди) аъзоларининг саъйи-ҳаракати билан Кўкалдош мадрасасида 1927 йил 22 июнда музей очилади. Шунингдек, ҳозирги кунга қадар Бухоро музейи фаолият юритиб келмоқда [7,8, 29-31].

1930 йилдан Бухоро ўлкашунослик музейи фаолиятида янги давр бошланди. Музей сақловига ташкилотлардан олинган, шунингдек, илмий тадқиқот сафарлари натижасида тўпланган ҳамда сотиб олинган ашёлар билан бойитиш бошланди. Жамланма асосан археология, этнография, зоология (табиат) ва нумизматика материаллари билан бойитилди. Бу ишлар П.Е. Корниловнинг раҳбарлиги остида амалга оширилди [9,11 118-123].

Шу даврдан бошлаб музей илмий ходимларига ўлкашунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилган. Музей илмий ходимлари ушбу муассасадаги фаолият билан бирга ўлкашунослик ва ўлка тарихига оид ашёларни тўплаш ҳамда илмий ўрганиш билан ҳам шуғулланишган. Бунинг натижасида илмий ходимларининг илмий-тадқиқот ишлари анча жонланди. Улар томонидан рисола ва «Советский музей» журналида илмий мақола нашр этилди.

XX аср 30-йилларининг ўрталарида бутун Россияда ўлкашунослик музейларининг умумий тизими яратилиб, ўлкашунослик музейларида тарих, табиат ва социалистик қурилиш бўлимларини тузиш режалаштирилди. Худди шу каби бўлимлар Бухоро ўлкашунослик музейида ҳам ташкил этилди [11,12 36-41].

Бухоро ўлкашунослик музейига мактаб болалари учун махсус саёҳатлар ташкил қилинди. Шунингдек, музей буюмлари сонининг ортиб бориши ҳамда томошабинлар оқимининг кўпайишини инобатга олган шаҳар раҳбарияти музей биноси билан боғлиқ масалани ўрганди ва музейни Кўкалдош мадрасасидан арқа кўчириш масаласи кўрилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари музей фаолиятида анча сусайиш кўзга ташланади. Бу жараён республиканинг барча музейларига хос бўлиб,

урушигача Ўзбекистонда 12 та давлат музейидан 9 таси ўлкашунослик, биттаси тарих, биттаси бадиий ва биттаси табиат музейи фаолият юритган [15,16,17].

Музейнинг 1946 йилдаги ҳисоботида қайд этилишича, музей сақловига бир қанча буюмлар қабул қилинади ҳамда жамланма ашёлари сони саккиз мингдан ортади. Бухоро ўлкашунослик музейи 1947 йилдан ўз фаолиятини Арқда давом эттиради [18,19].

50 – йиллардан бошлаб музей ходимларининг ўлкашунослик соҳаси билан шуғулланиши ва мактаблар билан ҳамкорликда тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга музей илмий ходимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. 1965 йил «Илмий мақолалар тўплами» нашр этилади. Ушбу тўплам музейнинг биринчи илмий нашри ҳисобланади. 1966 йилдан Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг қарори билан бир қатор илмий ходимларни маҳорат ва малакасини ошириш мақсадида Москва, Ленинград, Болтиқбўйи республикалари, Тошкент ва Самарқанд музейларига юборилади.

Архив ҳужжатларининг маълумотига кўра, 1967 – 1969 йиллар оралиғида Бухоро ўлкашунослик музейида 40 га яқин илмий ходим ишлаган. Уларнинг кўплари илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Жумладан, фан номзодлари Хуан Дуке, Н. Юлдошева, Т. Шарипов, илмий ходимлардан М. Пўлатова, Х. Астонова, З. Ибрагимовалар эса номзодлик диссертацияси устида иш олиб боришган. Музей илмий ходимлари бир вақтнинг ўзида Қарши музейи ходимларига илмий-услубий ёрдам беришган ва кўргазма режасини тузиш ҳамда ашёларни тайёрлаш бўйича Чоржўй шаҳар музейи ходимларига ҳам ёрдам кўрсатишган.

XX аср 60-йилларнинг охиридан музей сақловида турли ташкилот ва шахсий тўпланмалар, шунингдек, илмий тадқиқот сафарлари натижасида тўпланган ва сотиб олинган ашёлар билан бойитиб борилди.

1973 йил Бухоро ўлкашунослик музейи жамланмасига ашё қабул қилиш ўтган йилларга нисбатан рекорд даражага етди. 1973 йил музей жамланмасига тарих фанлари номзоди Т.Ф. Гелахнинг катта кутубхонаси ҳамда С.Н.Юреневнинг бой тўпланмаси ва археологик тадқиқот ҳисоботлари топширилади.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, яъни А.А. Маҳмудов директорлиги даврида, музей жамланмасига қабул қилинган ашёларга картотека ёпиштириш ва қайдлар китобига киритиш ишлари амалга оширилади. Шу вақтдан бошлаб музей жамланмасига ашёларни сотиб

олиш учун махсус хайъат тузилди(бу хайъат фаолияти то XX аср 90-йилларигача давом этди) ва маҳаллий аҳолидан ноёб ашёлар сотиб олинди. 1975 йил музей сақловидаги қўлёзма ҳужжатлар ва бошқа буюмларни тадқиқ қилиш учун 8 та илмий ходим ажратилди. Улар жорий йилда 500 дан ортиқ тарихий ҳужжатни ўрганган. XX аср 80-йилларидан бошлаб ўлкашунослик музейида ашёларга илмий паспорт ёзиш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

1977 йил 1 декабрда музей жамланмасидаги қимматбаҳо металллар хатловдан ўтказилади. Унга кўра, олтин – 1162,85 гр, кумуш – 249522,5 гр, олмос – 359 дона, бриллиант – 272 карат, зумрад – 40 дона, маржон – 35 дона мавжуд эди [3,13].

1980 йил музей илмий ходимлари ашё йиғиш учун махсус илмий сафарлар уюштиришади. Улар Ромитан, Пешкў, Шофиркон, Қизилтепа, Вобкент, Гиждувон ва Бухоро туманларига бориб аҳолидан нодир осори-атиқа намуналарини сотиб олишган ва музей фондиди тўлдиришган.

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг 1983 йил 16 майдаги 308-сонли қарори билан музей Бухоро давлат тарихий-меъморчилик музейи-қўриқхонаси номини олди(1940-1945 йилларда Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи. 1945-1969 йилларда Бухоро тарихий-ўлкашунослик музейи деб номланган бўлса, 1969-1983 йилларда Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи деб номланган). Унинг таркибига музей филиалларидан ташқари мингдан ортиқ маданий ёдгорликлар ҳамда 603 та давлат муҳофазасидаги объектлар киритилди.

1984 йилда Бухоро музейининг аркдаги асосий кўرғазмадан ташқари бешта филиал фаолият кўрсатган бўлиб, уларда 3 мингдан ортиқ ашё намоёнига қўйилган эди.

1985 йил музей директори лавозимига Р.В. Альмеев тайинлангандан сўнг Бухоро музейининг илмий-маърифий фаолиятида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Совет Иттифоқи даврида Бухоро музейидан бошқа вилоят музейларига олиб кетилган буюмлар қайтарилди. Р.В. Альмеев ташаббуси билан музейнинг янги филиаллари ташкил этилди, айрим тарихий ёдгорликлар музейга айлантирилди ҳамда кўплаб кўрғазмалар янгиланди. Шунингдек, музей жамланмасини бойитиш мақсадида этнографик тадқиқотлар ташкил этилди [13,19].

Бу даврда музей илмий ходимлари томонидан ҳукмрон ғояларни тарғиб қилувчи тадбирлар, учрашувлар, кўчма кўрғазмалар ҳам ташкил қилинди. Музей илмий ходимлари К. Жумаев, Ғ. Қурбонов, М. Пўлатова, В. Пак, А. Ахмедов, А. Қобилов, Б. Қазоқов, Н. Ильясовалар томонидан

«Советская Бухара», «Бухоро ҳақиқати» ва Тошкентдан чиқадиган «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ҳамда «Советский музей» журналида ўзларининг 20 дан ортиқ мақолаларини эълон қилишди [14, 26].

XX аср 80-йилларнинг охирига келиб музей жамланмасидаги ашёлар сони етмиш мингдан ошди, музей филиалларининг сони ўн бирта этди. Музейга ташриф буюрувчилар сони икки миллиондан ошди.

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг 1988 йил 21 мартдаги 112-сонли қарорига асосан Бухоро ўлкашунослик музейи «Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси»га айлантирилди. 1989 йил 1 январдан эса биринчи тоифали музей мақомини олди [13].

Ўзбекистон мустақилликка эришгач республикаимиз маънавий ҳаётида янги истиқболлар очилди. Хусусан, жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутувчи музей ва музейшуносликка алоҳида эътибор берилди. Президентнинг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари, «Ўзбекмузей» ташкилотининг таъсис этилиши «Музейлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг маънавий ҳаётда, музейлар фаолияти, музейшуносликка таъсири, уларнинг илмий аҳамияти очиб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йилнинг 10-11-март кунлари Бухорога ташрифи чоғида Арк қўرғони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимоти билан танишган эди. Унда янгидан барпо этиладиган Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳаси ҳам намойиш этилди. 1,2 гектар майдонни ўз ичига оладиган янги музей қурилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 68,3 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Музей ишга туширилганидан сўнг, Арк қўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар мазкур музейга кўчирилади. Мазкур саъйи – ҳаракатлар эса ўз навбатида Арк қўрғонини асл кўринишини сақлаш ва уни тиклаш ишларини жадаллаштирилишидан дарак беради [11,12,13].

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 975-сон қарори билан «Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси» номи «Бухоро давлат музей қўриқхонаси»га айлантирилди. Ҳозирги кунда музейнинг 16 та филиали ва 2 та доимий кўргазмаси фаолият юритмоқда. Аркнинг ўзида 3 та бўлим мавжуд бўлиб, музейнинг умумий сақловида 150 мингдан зиёд экспонат сақланмоқда.

Бир аср давомида фаолият юритиб келаётган Бухоро музейи, мустақилликкача атеистик руҳда ва мустақиллик ғояларига зид ҳолда фаолият олиб борди. Совет даврида қабул қилинган қарор ва фармонлар



хам шу доирада эди. Лекин шуни эътироф этиш керакки, бу даврда Бухорода музейи шаклланди ва музей иши ривожланди. Мустақилликдан кейин музей соҳасига қарашлар тубдан ўзгарди. Музейларни жаҳон стандартларига мослаштириш, жаҳонга танитиш, улардан ёшларимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, тарихий ёдгорликларни асраш ва миллий ғояни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда.

### Фойдаланиган адабиётлар

1. Альмеев Р.В. Бухара – город-музей. – Ташкент: Фан, 1999. – С. 16;
2. Бухоро давлат архиви. фонд 629, рўйхат 1, китоб 3.
3. Бухоро давлат архиви. фонд 1175, рўйхат 1, китоб 1-298.
4. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослик музейининг шаклланиши ва дастлабки фаолияти //УзМу хабарлари. – Тошкент: 2017 йил. № 5. – Б.33-36.
5. Болтаев А.Ҳ. Бухородаги биринчи музей //Мозийдан садо журнали. – Тошкент: 2017 йил 3 сон. – Б.10-11.
6. Болтаев А.Ҳ. XX аср 30-йилларида Бухоро ўлкашунослик музейининг фаолияти //»Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги даврлардан ҳозиргача)» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро. 2017 йил. – Б.18-21.
7. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослик музейининг ташкил топиш тарихидан // Имом Бухорий сабоқлари. – Тошкент. 2017 йил № 4. – Б.29-31.
8. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослиги тарихини ўрганишда С.Н. Юренев ёзишмаларининг ўрни // УзМу хабарлари. – Тошкент. 2018 йил. № 1. – Б. 5-9.
9. Болтаев А.Ҳ. Бир экспедиция тарихидан //»Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари» мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 12-навбати материаллари. 2020 йил 28 апрель. – Б. 334-337
10. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослик музейи тарихи // Қазақстан және Түркі әлемі: қоғамдық ғылымдар саласындағы өзекті мәселелер. Халықаралық онлайн симпозиум материалдары. – Нур-Султан: 24 апрел 2021 йил. – Б. 118-123.
11. Болтаев А.Ҳ. History of Ancient Monuments in Registan Bukhara // International Journal of Development and Public Policy | e-ISSN: 2792-3991 | www.openaccessjournals.eu | Volume: 1 Issue: 7. – P.62-65.
12. Boltayev A.H., Ramazonova F.X. «Buxoro» toponimi haqida // International journal of hilosophical studies and social sciences issn-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039 <http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss> Vol 1, Issue 4 2021. – P. 36-41.
13. Болтаев А.Ҳ. Бухоро музейи – тарихий ўлкашунослик маркази сифатида. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 70 б.
14. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи //Мозийдан садо. – Тошкент: 2003.- №1. – Б.26.
15. Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – 154 б.

16. Рамазонова Ф.Х. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маданияти ва уни ривожлантириш масалалари. ТЮРКОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ. Республиканский научно-методический и познавательный журнал. – Қазоғистон. Алматы, 2020. №.4. – С. 8-10.

17. Рамазонова Ф.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида. Центр научных публикаций (buxdu.uz): том 1 № 1 (2020): maqola va tezislar to`plami (buxdu.uz)

18. Рамазонова Ф.Х. Ўқувчиларда ватанга бўлган эътиқодни шакллантириш. Россия – Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. Сборник материалов международной научной конференции. – Челябинск: ЧГИК. 2020. – С. 103-104.

19. Ramazonova F.X. Implementation directions integration into the learning process. Ученый XXI века. – Москва 2019. № 4-(51) ISSN 2410-3586. – С. 53-55.

<b>Тошбоев Ф., Иномова М.</b> Уструшонада ўрганилган моддий манбалар ва улардан музейларда фойдаланиш ҳақида.....	173
<b>Нишонова К., Усмонова З.</b> «Сахродаги лувр»нинг ривожланиш тенденциялари .....	179
<b>Орифжонова Г.</b> Музей аудиторияси билан ишлашда арт терапиянинг ўрни.....	186
<b>Эрбутаева Ў., Райимжонов И.</b> Қадимий Ховос тепалиги туҳфалари.....	191
<b>Надинова А.</b> Музей Низами, хранящий бесценные письменные принадлежности видных представителей Азербайджана XIX-XX веков .....	196
<b>Рахматова Д.</b> «Пахта иши» ноҳақликлари.....	202
<b>Болтаев А. Рамазонова Ф.</b> Бухоро ўлкашунослик музейи 100 ёшда.....	207
<b>Абдуллаев Д.</b> Описание работы по хранению орденов и медалей в коллекции музеев Узбекистана.....	215
<b>Закиров А. и др.</b> Применение геофизических методов при изучении археологических объектов на примере городища Хайрабадтепа .....	221
<b>Темиров Ф.</b> Садриддин Айнийнинг Самарканддаги уй-музейи ва унинг ҳозирги фаолияти ....	226
<b>Равшанов Ў.</b> Бухоро зиёратгоҳларида туғ саклаш анъанаси.....	233
<b>Акбархўжаев А.</b> Миниатюра - маданий мероснинг ажралмас қисми сифатида .....	241
<b>Жўраев Ш. Б.А.</b> Казаков илмий меросида Бухоро тарихи масалалари .....	245
<b>Каримова Д.</b> Қайроққум манзилгоҳи чорвадор қабилалар маданиятини ўрганишда муҳим ёдгорлик.....	252
<b>Абдувахобов У.</b> Риштон анъанавий кулолчилик мактаби.....	257
<b>Jabbarova L.</b> Muzeylarda liboslar ekspozitsiya dizaynini yaratish qonuniyatlarining nazariy asoslari .....	263
<b>Kasimova Sh.</b> Muzey kommunikatsiyasining dolzarb ijtimoiy aspektlari.....	270
<b>Amanxodjayeva G.</b> Elektron kataloglarning raqamlashtirish tizimi joriy etilishining muzey ishi faoliyatidagi o'рни .....	276
<b>Sadikova N.</b> Ta'mirlangan arxeologik topilmalarni muzey va ko'rgazma zallarida namoyish etishning zamonaviy usullari .....	282
<b>ИККИНЧИ ШЎБА: МУЗЕЙШУНОСЛИҚДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ</b> .....	288
<b>Исмаилов А.</b> Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий тадқиқот муассаси сифатида .....	288
<b>Dosranov O., Adilbaeva M.</b> Samples of architectural decors in the medieval age interior.....	295
<b>Мустафоев Ш.</b> Геометрический анализ и эволюция сталактитовых парусов квадратно-ромбовидног типа .....	304
<b>Хасанова Н.</b> Ўзбекистон-Туркия муносабатлари тарих кўзгусида (миниатюра мактаблари мисолида).....	313
<b>Усмонов У.</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати.....	321
<b>Ziyayeva R.</b> Zangi ota me'moriy yodgorligi.....	326
<b>Боймирзаев С.</b> Ўзбекистон тарихи давлат музейида фонд ишининг юритилиши .....	335
<b>Kuryazov U.</b> Sculpture and architecture in the development of the urban environment .....	342
<b>Қаюмов С.</b> Темурийлар даври меъморий безакларини ўзига хослиги .....	348

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА:  
ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами  
(2022 йил 28 февраль)**